

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига

“ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ” ЯНГИ УФҚЛАРГА ИНТИЛМОҚДА

Энг улуг, энг азиз байрам – истиқлолимизнинг 21 йиллиги ва авиация ходимларининг касб байрами арафасида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясига қувончли хушхабар келди: мамлакатимиз авиакомпанияси “Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган улкан ютуқлари учун” номинациясида “Парвозлар хавфсизлиги” нотижорат шериклик ташкилотининг мукофотига ҳамда “Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган улкан ютуқлари учун” фахрий мукофотини авиакомпаниямизга тақдим этган Халқаро парвозлар хавфсизлиги жамғармасининг (Flight Safety Foundation) дипломига сазовор бўлди. Бундан ташқари, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” IOSA аудитидан муваффақиятли ўтди ва бу ҳам соҳа учун муҳим воқеага айланди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян компания эришган ютуқлар ва тўпланган тажриба, миллий авиакомпания инфратузилмасини модернизация қилиш босқичлари, соҳада жорий этилган техник ҳамда технологик янгилликлар ҳақида сўзлаб берди.

Президентимизнинг фуқаро авиацияси соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши самарасида ҳозир барча тузилмаларда белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини берадиган аниқ мақсадли ва серқирра ишлар амалга оширилади. Ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлар ўсмоқда,

йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда, технологик база мунтазам янгиланмоқда, аэропортлар ва бошқа объектларни техник жиҳозлаш такомиллашмоқда.

2012 йилнинг 6 ойида бажарилган ишлар яқунлари бўйича “Ўзбекистон ҳаво йўллари” самолётлари 12 339 авиақатновни амалга оширди ва бу 2011 йилнинг 6 ойига нисбатан 419 тага кўпдир. Шунингдек, 1 млн 244 минг нафар йўловчи авиакомпания хизматларидан фойдаланди ва бу ҳам ўтган йилнинг шу даврига қараганда 17,1 фоиз кўп. Жами 20 минг тонна юк ташилди, 755 тонна почта жўнатилди, ўсиш 20,5 фоизни ташкил қилди.

«Навоий» халқаро аэропорти базасидаги йирик Интермодаль



марказ янада ривожланмоқда. Бугун қунига 300 тоннагача юкни қабул қилиш қувватига эга юк терминали ишлаб турибди. Соатига 400 нафар йўловчини ўтказиш имконига эга, халқаро стандартларга жавоб берадиган, барча қулайликлар яратилган янги йўловчи аэровокзали фойдаланишга топширилди.

Миллий авиакомпаниянинг машғулот комплексида янги Boeing-767 тренажёри ўрнатилган бўлиб, унда учувчилар стандарт ва ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш кўникмаларини такомиллаштиради. Яқин вақт ичида компаниямиз учувчилари нафақат замонавий А320 ва Boeing тренажёрлари, балки ўзимизда ишлаб чиқарилган Ил-114-100 самолёти симулятори – «Full-flight»да реал шароитларга яқинлаштирилган ҳолатларда парвоз қилишни ўрганиши мумкин. Шунингдек, самолётлар парки янги

авлод ҳаво кемалари билан тўлдирилмоқда. Жорий йилда янги Boeing-767 лайнерлари сони тўрттага кўпайди, 2014–2016 йилларда эса миллий авиакомпаниямиз яна иккита Boeing-787 Dreamliner самолётларини олади. Айни пайтда ҳар икки томон мутахассислари «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси базасида самолётлар конструкциясининг композицион материаллардан тайёрланган йирик эҳтиёт қисмларини таъмирлаш бўйича минтақавий цехни ташкил қилиш имкониятларини ўрганмоқда. Бу техник хизмат кўрсатиш борасида ўзбекистонлик мутахассисларнинг юксак маҳорати ва катта истиқболдан далолат беради.

Шу билан бирга авиакомпаниямиз аэропортлари эришаётган муваффақиятларни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. «Бухоро» халқаро аэропорти 2011 йилги фаолияти яқунларига кўра, «Аэропорт» фуқаро авиацияси ассоциациясининг «МДХда йилнинг энг яхши аэропорти» танловида «Жадал ривожланаётган аэропорт» номинациясида яна бир бор ғолиб бўлди. «Урганч» халқаро аэропортида ишга туширилган йўловчиларни қабул қилиш залининг янги биносида соатига 200 нафаргача йўловчига сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилди. Мамлакатимизнинг барча аэропортларида сифат менежменти тизими жорий этилган.

Фойдаланишга топширилган янги «Тошкент-3» маҳаллий ҳаво линиялари йўловчи терминали

юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган ва бу ерда ҳам барча қулайликлар яратилган. «Нукус» аэропортида техник хусусиятлари барча халқаро талабларга жавоб берадиган учиш-қўниш йўлаги реконструкция қилинди.

Аэропортлар ва терминалларда қўшимча хавфсизлик зоналари ташкил этилаётир. Нияти бузуқ шахслар учун кордонлар ташкил этилмоқда, металл қидиргич мосламалар ва газ анализаторлари ёрдамида текшириш йўлга қўйилди, сканерлар ишлаб турибди, янги, янада мукамал ва ишончли техника воситалари жорий этилмоқда, авиакомпания, божхона ва чегара хизматлари бўлинмаларида назоратчилар сони кўпайтирилди. Нафақат йўловчилар ва уларнинг юклари, балки авиакомпания ходимлари ҳам текширувдан ўтказилмоқда.

Авиакомпания самолётлари Европа, Осиё, Американинг 40 дан зиёд шаҳарларига парвоз қилмоқда. Юртдошларимиз ва кўплаб меҳмонлар дунёнинг энг олис қишлоқларига ҳам тўғридан-тўғри учиши мумкин. Рейслар географияси мунтазам кенгайиб бормоқда.

Компания жамоаси хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича муттасил изланмоқда. Шу мақсадда электрон чипталар тизими муваффақиятли жорий қилинди, мижозларнинг истагига кўра чипталарга буюртма бериш, уларни уйга ёки кўрсатилган манзилга етказиб бериш йўлга қўйилди.

ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан “Электр энергияси соҳасини техник ва технологик модернизация қилиш, хорижий инвестициялар асосида яратилган янги қувватлар ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан оқилонга фойдаланиш” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда электр энергетикаси ва кўмир саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми экани таъкидланди. Айни вақтда инновацион технологиялар ва қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий қилиш ресурсларни тежаш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш имконини бериши қайд этилди.

2012 йилнинг I ярмида соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 100,2 фоизни ташкил этди. Истеъмолчиларга 21,3 млрд киловатт-соат электр энергияси етказиб берилди. Қўшни давлатларга тўғридан-

тўғри шартномалар асосида электр энергияси етказиб берилди, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатилди.

Хорижий инвестициялар иштирокида янги қувватлар ишга туширилмоқда. Айни пайтда 35 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Навоий иссиқлик энергияси станциясида йирик инвестиция лойиҳаларидан бири жорий этилмоқда. “Навоий иссиқлик энергияси станциясида газ сиқиш компрессор станциясини қуриш” лойиҳасига асосан газ сиқиш компрессор станциясида монтаж ишлари ниҳоясига етказилди.

Қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш дунёнинг барча тараққий этган давлатлари учун устувор вазифа ҳисобланади. Сир эмаски, жаҳонда фойдали қазилмалар захиралари камайиб бормоқда, шу муносабат билан қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш долзарб аҳами-

ят касб этмоқда. Бундай манбалар нафақат ёқилгининг қазиб олинадиган турларини кенгайтириши, балки келажакда уларнинг ўрнини босиши ҳам мумкин.

Шунингдек, тадбир қатнашчиларига Электр энергиясини етказиб бериш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш дастурий комплексининг янги имкониятлари тақдим этилди. Ушбу дастур жорий йилнинг март ойидан буён Тошкент шаҳрида тажриба тарикасида жорий этилмоқда. Жорий йилнинг иккинчи ярмидан бу дастурдан мамлакатимиз ҳудудларида ҳам фойдаланиш режалаштирилмоқда.

х х х

Миллий матбуот марказида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган матбуот анжумани Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Экосан» халқаро жамоат фонди, «Чинор» эко-

логик нашриёт компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бугунги кунда дунё миқёсида ушбу йўналишда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. БМТ бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида 2012 йилни «Барқарор энергетика йили» деб эълон қилди.

Мамлакатимиз энергия мустақиллигига эришган кам сонли давлатлардан биридир. Ушбу салоҳиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида Президентимиз И.Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқаришда соф технологияларни қўллашнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида фаолият юритаётган «Эко-энергия» маркази томонидан энергия таъминотидан узоқда жойлашган муассасаларга ўрнатилаётган куёш фотоэлектр станциялари, гелиоқурилмалар, биогаз олиш технологиялари, микрогеслардан амалда самарали фойдаланилмоқда. Марказ олимлари бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида халқаро лойиҳаларда ҳам иштирок этмоқда.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

ФИРМА НОМЛАРИНИ ЗАХИРАГА ОЛИШ КЕЧА-КУНДУЗ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президентнинг 8.08.2012 йилдаги ПК-1801-сон қарори билан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Киритилган ўзгартиришлар билан Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида сўраб олинган кулай фирма номларини муассисларнинг ўзлари томонидан ҳамда рўйхатга олаётган орган томонидан электрон талабнома асосида Интернет тармоғи орқали кеча-кундуз захирага олиш имконияти назарда тутилган. Интерактив хизмат кеча-кундуз кўрсатилади.

Электрон талабнома олинган фирма номи 4 иш соатидан ошмаган муддатда захирага олинishi керак, аввал ушбу таомилга 8 соат вақт ажратиларди.

Бозорларни рўйхатдан ўтказиш учун эса муассислар умумий рўйхатдаги ҳужжатлар билан бирга фақат бозор ташкил қилишга ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги ҳукумат органининг қарорини тақдим этадилар. Энди улар томонидан бозорнинг устав фондига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорнинг камида 30 фоизи киритилганлигини тасдиқлаш талаб қилинмайди.

Корхонани рўйхатдан ўтказиш пайтида устав фондидаги ўз улуши миқдорини киритиши шарт бўлган бошқа муассислар ҳам мазкур талабдан озод қилинганлар. Ушбу талаб фақатгина кредит ташкилотлари учун сақланиб қолган.

Оилавий корхона иштирокчиларининг мол-мулки рўйхатига ўзгартириш киритишга олиб келган оилавий корхона бошлиғи алмашган, оилавий корхона таркибига (таркибидан) ихтиёрий кирган (чиққан), эрхотиннинг никоҳи бекор қилинган ёки оилавий корхона иштирокчиси вафот этган тақдирда оилавий корхона таъсис шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи ҳам тартибга солинган. Бунда оилавий корхонанинг таъсис ҳужжатларига

ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмаслиги Низомда аниқ белгиланган.

Бундан ташқари, бир қатор ҳужжатларнинг шакллари янгиланган.

Ўзгартиришлар билан Низом «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун ҳамда Президентнинг 2012 йил 18 июлдаги Фармониға мувофиқлаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИШ ҚОИДАЛАРИГА ДОИР

Вазирлар Маҳкамасининг 7.08.2012 йилдаги 236-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 21.11.1996 йилдаги «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 408-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хорижий фуқарога Ўзбекистон Республикасига келиши рад этилиши мумкин бўлган ҳолатлар рўйхати қисқартирилди. Агар шахс Ўзбекистон қонунчилигини бузганлик учун илгари жиноий жавобгарликка тортилган ва ундан судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси ҳудудига унинг келишини рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Хорижий фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикасига келиш чекланганлиги ҳақидаги қарор қабул қилинган бўлса, унга мамлакатимиз ҳудудига келиш рад этилади.

Хорижий фуқаро Ўзбекистон ҳудудидан чиқариб юборилган ҳолларда унинг республикага келиш ҳуқуқини чеклаш муддатлари белгиланган.

Хорижий фуқарога Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқини чеклаш муддати, у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ЎҚИШ ҲАҚИ... 2 ОЙГА ҚИСҚАРДИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан

Ҳолатлар	Келиш ҳуқуқини чеклаш муддати
Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилиши: • Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар бўйича яшаганда; • вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтишнинг; • ҳаракатланиш ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя қилинмаганда; • бўлиш муддати тугагандан кейин чиқиб кетишдан бош тортганда; • Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига риоя қилмаганда	1 йилдан 3 йилгача
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига содир этилган жиноят учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этгандан ёки ўтагандан ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилингандан сўнг: • ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун; • оғир жиноятлар содир этганлиги учун; • ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун	5 йил 10 йил умрбод

7.08.2012 йилда 1339-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномаға қўшимчалар киритилди.

2012 йил 1 сентябрдан бошлаб пулли-контракт асосда ўқийдиган олий таълим муассасалари битирувчи курслар талабалари учун июль ва август ойларидаги стипендия суммаси сўнгги ўқув йили (қисмларға бўлиб тўланганда – сўнгги ўқув семестри) учун тўланадиган тўловдан чегирилади. Мазкур сумма олий ўқув юртларидаги ўқитиш қиймати миқдорлари сўнгги марта белгиланган пайтда 0,75 коэффициентини қўллаган ҳолда стипендиянинг базавий миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ҳужжатларға қисқача шарҳларни
эксперт-юрисгимиз
Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 10 августдаги 306-аф-сонли буйруғига асосан «SOLIQCHI-AUDIT» хусусий аудиторлик корхонасига 2008 йил 28 мартда берилган 00377-сонли лицензиянинг амал қилиши 2012 йилнинг 10 августидан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари
М.МИРЗАЕВ.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ


Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	16.08.2012	1	0,7855	1	0,9648	1	0,0246
Арманистон	16.08.2012	1	411,25	1	504,6	1	12,89
Беларусь	17.08.2012	1	8330	1	10220	1	261
Грузия	17.08.2012	1	1,6447	1	2,0182	1	5,1556
Қозоғистон	17.08.2012	1	149,22	1	183,12	1	4,68
Қирғизистон	17.08.2012	1	46,8778	1	57,5472	1	1,4695
Латвия	17.08.2012	1	0,572	1	0,702804	1	0,018
Литва	17.08.2012	1	2,8153	1	3,4528	10	8,8101
Молдова	16.08.2012	1	12,4498	1	15,2989	1	0,3898
Тожикистон	17.08.2012	1	4,7646	1	5,8866	1	0,1493
Ўзбекистон	14.08.2012	1	1913,35	1	2366,85	1	59,98
Украина	16.08.2012	100	799,3	100	981,2207	10	2,5093
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,3832

Манба: www.prime-tass.ru

Реклама

ЯШАШ УЧУН ВАГОНЧАЛАР

Ҳар хил турдаги вагончаларни ишлаб чиқариш Маҳсулот сертификатланган



Тел. (+99890) 999-07-06, 253-39-99
E-mail: dmitriy@modul-stroy.uz

УШБУ СОНДА:

УСТУВОРЛИКЛАР

- «Ўзбекистон ҳаво йўллари» янги уфқларға интилмоқда
- Қайта тикланадиган энергия манбалари – давр талаби

1-бет

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:
- «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармони);

– «2012–2015 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2012 йил 31 июлдан 10 августгача бўлган маълумот.

3-4-бетлар

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

- Қасаллик варақаси қонунийми?
- Ҳақоратға жазо
- Меҳнат дафтарчасини юритинг
- ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР
- Қарз ҳам инвестиция ҳисобланади
- ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ
- Хорижға муаммосиз чиқиш ва келиш
- МЕНЕЖМЕНТ
- Харид сиёсатидан хабарингиз борми?

5-бет

6-бет

6-7-бетлар

8-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармони)";

- "2012-2015 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида".

● **МЕЪЁРИЙ-ҲУКУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 31 ИЮЛДАН 10 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2012 ЙИЛ 18 ИЮЛДАГИ ПФ-4455-СОН ФАРМОНИ)

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 31-сон, 357-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон қарорига мувофиқ, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни давом эттириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибини янада

такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2012 йил 31 июль
232-сон.

ЎзР ВМнинг 2012 йил 31 июлдаги 232-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР (Кўчирма*)

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларида:

а) 1-бандда:

«а» кичик бандидаги «а¹» кичик бандида» сўзлари «а¹» ва «а²» кичик бандларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «а²» кичик банди қўшилсин:

«а²) кредит ташкилотларининг кредитлар, қарзлар ва бошқа қарзлар бўйича қарздорлигини ундириш тўғрисидаги даъво аризаларидан – даъво баҳосининг 2 фоизи миқдоридан»;

б) 2-банднинг «в» кичик бандидаги «20 баравари» сўзлари «3 баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-банднинг «б» кичик банди учинчи хатбошидаги «2 фоизи» сўзлари «1 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Юқори малака ва ишлаб чиқариш фаолиятида ноёб тажрибага эга бўлган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар иш берувчи ушбу Низомнинг 7-бандида

назарда тутилган ҳужжатларни берган кундан бошлаб 15 кун мобайнида берилади. Бунда, хорижий фуқаронинг юқори малака ва ишлаб чиқариш фаолиятидаги ноёб тажрибаси иш берувчи томонидан белгиланади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошидаги «ваколатли банкларда – икки иш кунда» сўзлари «ваколатли банкларда – 8 иш соатида» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 12-бандда:

«а» кичик бандидаги «ҳамда бозорнинг устав фондига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорнинг камида 30 фоизи киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат» сўзлари чиқариб ташлансин;

«б» кичик бандининг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«кредит ташкилотлари учун – муассислардан ҳар бирининг корхона устав фондидаги улуши миқдоридан 30 фои-

*Илованинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва www.norma.uz сайтида танишиш мумкин.

зи киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (вақтинча жамғариладиган сўм ва валюта ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилганлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига мол-мулк олиб кирганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мол-мулкнинг олди-берди далолатномаси, киритилаётган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар);

б) 15-бандда:

биринчи хатбошидаги «орқали» сўзидан кейин «кеча-кундуз» сўзлари қўшилсин;

бешинчи хатбошидаги «8» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин;

в) 49-1-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги мазмундаги биринчи – учинчи хатбошилар этиб баён қилинсин:

«Фойдаланувчи ташкилотлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган техник шартларни:

газ таъминоти, энергия таъминоти, иссиқлик таъминоти, телефон алоқасига – 3 иш куни мобайнида;

сув таъминоти ва канализацияга – 2 иш куни мобайнида улашга берадилар»;

иккинчи – еттинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) 57-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«раҳбар, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаришни амалга оширувчи шахснинг имзолари намуналари (микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаришни амалга оширувчи шахснинг имзоси намунасини тақдим этиш талаб қилинмайди, деҳқон хўжалиги бошлиғи ва яқка тартибдаги тадбиркор ўз имзолари намуналарини тақдим этади) ва думалоқ муҳр босма изларининг икки нусхаси»;

д) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

е) 1а-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

ж) 4-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташилайётган товарларни божхона томонидан назорат қилишни кучайтириш тўғрисида» 2004 йил 20 майдаги 239-сон қарорининг 1-бандига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 49-модда) қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Импорт товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий автоташувчилар томонидан ташилганда божхона томонидан кузатиб бориш талаб қилинмайди».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва беришнинг умумий муддати ишларнинг мураккаблиги даражасига, кўп меҳнат талаб қилиши ва ўзига хослигига қараб, барча зарур ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб:

олиб келинадиган маҳсулотларга 10 иш кундан ортиқ бўлмаган;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга 10 иш кундан 1 ойгача доирада белгиланади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун

товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандида:

учинчи хатбошидаги «(нақд хорижий валюта ва/ёки йўл чеклари олиб чиқилишини тасдиқлаш учун)» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи – ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апрелдаги 104-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 23-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Иш берувчи томонидан юқори малакали ишларни бажариш учун таклиф этилган хорижий фуқарога виза (кириш, кириш-чиқиш визалари) бериш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан буюртманомани кўриб чиқиш буюртманомана берилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида амалга оширилади»;

б) Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудига кириши, ундан чиқиб кетиши, у ерда бўлиши ва ишга ёлланишининг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни бажариш юзасидан хатти-ҳаракатлар Схемасига қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ. Иш берувчи томонидан юқори малакали ишларни бажариш учун таклиф этилган хорижий фуқарога виза (кириш, кириш-чиқиш визалари) бериш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан буюртманомани кўриб чиқиш буюртманомана берилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида амалга оширилади».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида бошланғич нархни пасайтириш юзасидан электрон аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 8-бандининг тўртинчи хатбошидаги «бош бухгалтерининг» сўзлари «бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш функцияларини амалга оширувчи шахснинг (микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш функцияларини амалга оширувчи шахс имзосининг намунаси талаб қилинмайди)» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарори билан тасдиқланган «Бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисидаги вақтинчалик низом 9-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилишда:

товарнинг келиб чиқиши сертификатини бериш муддати 3 иш кундан ошмайди;

лаборатория синовларини ўтказиш ва бошқа тегишли сертификатларни бериш муддати 5 иш кундан ошмайди».

**1, 1а ва 4-иловаларнинг янги таҳрири берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**2012–2015 ЙИЛЛАРДА НООЗИҚ-ОВҚАТ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ТУРЛАРИНИ
КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 31-сон, 359-модда)

Қайд этилсинки, 2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор вазифалари тўғрисида ҳамда рақобатбардошли маҳсулотларнинг

янги турларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва ўзлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида тасдиқланган дастурларни амалга ошириш

доирасида фақат 2011 йилнинг ўзидагина тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж саноатида 14 та янги корхонани ҳамда чарм-пойабзал саноатида 15 та корхонани ишга тушириш таъминланди. Бундан ташқари, яна 14 та тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж ҳамда 17 та чарм-пойабзал корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилинди ва кенгайтирилди.

Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилиш ва янгилаш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижасида 2011 йилда тайёр тўқимачилик маҳсулотларининг 48 та янги турларини ва 24 та чарм-пойабзал маҳсулотлари турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 2005–2011 йиллар даврида тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 бараварга, пойабзал ишлаб чиқариш – 3,8 бараварга, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 11,6 бараварга кўпайди.

Шу билан бирга, аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор равишда ортиб бораётган тўловга қодир эҳтиёжи мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари, энг аввало, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини жадал кўпайтиришни ва турларини кенгайтиришни талаб қилмоқда.

Ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган замонавий, сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш таъминланишини давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2012–2015 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2012–2015 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтиришга доир мақсадли параметрларни ҳудудлар бўйича бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларда ушбу қарорга 1-иловада назарда тутилган мақсадли прогноз параметрларига мувофиқ аниқ ишлаб чиқарувчи корхоналарни белгиласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ илгари тасдиқланганларга қўшимча равишда 2012–2014 йилларда тўқимачилик, тикувчилик-трикотаж ва

чарм-пойабзал саноати корхоналарини ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича янги инвестиция лойиҳалари рўйхати 2* ва 3-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Маълумот учун қабул қилинсинки:

ушбу қарорга 2-иловада кўрсатилган тўқимачилик, тикувчилик-трикотаж корхоналарининг маҳсулотлари уларни ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 50 фоизи миқдорида экспортга реализация қилинади;

ушбу қарорга 3-иловага мувофиқ чарм-пойабзал саноати корхоналарининг маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, шунингдек маҳсулотни экспортга етказиб беришни кенгайтириш дастурлари доирасида ички бозорни янада тўлиқ таъминлашга ва импортнинг ўрнини қоплашга йўналтирилади.

3. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, лойиҳаларнинг ташаббускорлари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига 2 ва 3-иловаларда кўрсатилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини тасдиқлаш учун киритсинлар, уларда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳамда қувватларни ишга тушириш муддатларини назарда тутсинлар.

4. Пахта толасини қайта ишлайдиган республика корхоналарига 2012 йилда сотиб олинган пахта толаси учун узил-кесил ҳисоб-китобларни пахта толаси етказиб берилган санадан бошлаб 120 кун мобайнида амалга оширишга рўхсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги 2013–2014 йиллар учун инвестиция дастурларини шакллантиришда уларга ушбу қарор билан тасдиқланган инвестиция лойиҳалари киритилишини назарда тутсинлар.

6. Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорда назарда тутилган тўқимачилик, тикувчилик-трикотаж ва чарм-пойабзал саноати корхоналарини ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳамда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрларига эришилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин, якуний ахборотларни ҳар чорақда ўз мажлисларида кўриб чиқсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2012 йил 2 август
234-сон.

*1–3-иловалар берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва www.norma.uz сайтида танишиш мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР,
ДАВЛАТ ҚҰМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РҶЙХАТИДАН ҲТКАЗИШ ҲОЛАТИ
ТҶҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 31 ИЮЛДАН 10 АВГУСТГАЧА
БҶЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

I. ДАВЛАТ РҶЙХАТИДАН ҲТКАЗИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2012 йил 30 июлдаги 01-172-сонли буйруғи.

2012 йил 1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2384 (2012 йил 11 августдан кучга кирди).

2. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 7 августдаги 171-мҳ-сонли буйруғи.

2012 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2385 (2012 йил 17 августдан кучга кирди).

3. «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2012 йил 2 августдаги 5, 56-сонли қарори.

2012 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1339-3 (2012 йил 1 сентябрдан кучга кирди).

4. «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари» (ЎзР АҚ-160) авиация қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат

қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2012 йил 2 августдаги 9н-сонли буйруғи.

2012 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-4 (2012 йил 18 августдан кучга кирди).

5. «Республика кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 27 июлдаги 01/09-18/11-сонли қарори.

2012 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1467-1 (2012 йил 18 августдан кучга кирди).

6. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2012 йил 30 июлдаги 5н-сонли буйруғи.

2012 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1186-7 (2012 йил 19 августдан кучга кирди).

7. «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидаларини» (ЎзР АҚ-91) тасдиқлаш тўғрисидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Рес-

публикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2012 йил 13 июлдаги 2н-сонли буйруғи.

2012 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-3 (2012 йил 19 августдан кучга кирди).

8. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 27 июлдаги 53, 2012-21-сонли қарори.

2012 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1088-2 (2012 йил 20 августдан кучга кирди).

9. «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ўқув юртларини битирган ҳайдовчиликка номзодларга бериладиган ягона намунадаги гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази ва Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 23 июлдаги 3, 42/ққ, 25-сонли қарори.

2012 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1652-1 (2012 йил 20 августдан кучга кирди).

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни ошкор қилиш тўғрисидаги низом, 1-4-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 1127, 2002 йил 18 апрель), (рўйхат рақами 1127-1, 2005 йил 18 апрель), (рўйхат рақами 1127-2, 2005 йил 6 декабрь), (рўйхат рақами 1127-3, 2006 йил 23 декабрь), (рўйхат рақами 1127-4, 2010 йил 19 февраль). Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг бош директори буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 31 июлдаги 161-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни «Биржа» газетасида марказлаштирилган тарзда нашр этиш тартиби тўғрисидаги низом, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 1671, 2007 йил 7 апрель), (рўйхат рақами 1671-1, 2010 йил 28 май). Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг бош директори буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 31 июлдаги 163-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини давлат рўйхатидан ўтка-

зиш авиация қоидалари (ЎзР АҚ-157)» (рўйхат рақами 1240, 2003 йил 29 апрель). Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 1 августдаги 166-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. «Бионолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 387, 1998 йил 7 январь), (рўйхат рақами 387-1, 1999 йил 29 июнь). Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва Давлат кадастри Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 7 августдаги 171-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. «Республика кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом» (рўйхат рақами 1467, 2005 йил 9 апрель). Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 8 августдаги 174-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

1. «Қуймачилик ишлаб чиқаришида хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини эксплуатацияга яроқлилик меъёрлари» авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-158) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруқ. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқлангандан сўнг, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

Ходим жуда тез-тез ишга келмай қолади, кейин касаллик варақаси топширади. Охирги маротаба касаллик варақаси унга 1 ойдан кўп муддатга берилган. Унга меҳнатга қобилиятсизлик варақасини берадиган шифокор унинг қариндоши эканлигини биз биламиз. Ташкилот касаллик варақаси берилишининг қонунийлигини текшириш ва ходимни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишга ҳақлими?

КБ бошлиғи.



КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ ҚОНУНИЙМИ?

– МКнинг 284-моддасига ва Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга (меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ

томонидан 8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) мувофиқ барча ёлланма ходимлар вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини олиш ҳуқуқига эгалар. 2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар:

бюджет ташкилотлари томонидан – меҳнат ҳақи жамғармасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан – фойда соғлигини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган ҳақдан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси меҳнат қобилияти йўқотилган биринчи кундан бошлаб, у тиклангунга ёки ногиронлик берилгунга қадар берилади. Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномаларни бериш тартиби тўғрисида йўриқномага (АВ томонидан 19.01.2000 йилда 873-сон билан рўйхатдан ўтказилган) биноан амбулатор-поликлиника даволаши чоғида шифокор 5 календарь кунигача меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бир ўзи ёзиб бериш ҳуқуқига эга. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси муддатини 5 календарь кундан ортиққа узайтириш даволоччи шифокор томонидан бўлим мудири билан ҳамкорликда ҳар сафар 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатга, у бўлмаган ҳолларда эса кўрсатилган муддат доираларида шифокорлик-маслаҳат комиссияси раиси билан биргаликда бемор соғайгунга ёки ТМЭКа юборилгунга қадар амалга оширилади.

Узоқ муддат давомида касалланувчилар, бунга сил касаллиги билан оғриганлар кирмайди (улар кўриб аниқлашга меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб 10 ойдан кечиктирмай юбориладилар), вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб 3 ойдан кечиктирмай ёки, умуман олганда, айнан бир касаллик ёки бир-бирига ўхшаш касалликлар чоғида сўнги 12 ой мобайнида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб 4 ойдан кечиктирмай кўриб аниқлаш учун тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)га юбориладилар.

Нохуш клиник ва меҳнат прогнозига эга беморлар ногиронлик аломатлари мавжуд бўлган ҳолларда меҳнатга лаёқатсизликнинг исталган даврида ТМЭКа кўриб аниқлаш учун юбориладилар.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ёки маълумотномаларни бериш ёки улар муддатини узайтириш бўйича шифокорлар (фельдшер)нинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар даволаш-профилактика муассасаси ДПМ раҳбари томонидан, унинг қарорига рози бўлинмаган ҳолларда соғлиқни сақлашнинг юқори органи томонидан кўриб чиқилади.

Баён этилганларга асосан **ташкилот ДПМ раҳбарига касаллик варақаси тўғри берилганлигини текшириш илтимос қилинган сўров билан, узоқ вақт касал бўлган шахсга нисбатан эса – ТМЭКада меҳнат ва профессионал яроқлилиқ бобида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишга ҳақлидир.**

ТМЭКнинг тўлиқ ёки қисман меҳнатга лаёқатсизлик тўғрисидаги ҳулосасини ҳисобга олиб, сиз Меҳнат кодекси (МК) 100-моддасининг 2-бандига асосан ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлисиз, бунда 2 ҳафталик оғохлантириш муддатига риоя қилиш ва ўртача ойлик иш ҳақи микдорида ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш ёки уни соғлиғи ҳолатига мувофиқ келадиган бошқа ишга ўтказиш қондасига риоя этилади.

Агар касаллик варақаси асосан берилганлиги аниқланса, сиз бундай ходимни МК 100-моддаси 4-бандининг талабларига риоя этган ҳолда проғул учун бўшатишга ҳақлисиз ва уни ноқонуний тўловларнинг ҳаммасини қоплашга мажбур қила оласиз.

ҲАҚОРАТГА ЖАЗО

Бўлимларимиздан бирида жуда мураккаб муҳит юзага келди: ходимлар ҳаммани ҳақорат қилиши, гийбат қилиши, уларнинг шахсий ишларига аралашishi боис ходимлардан бирини ишдан бўшатишни талаб қилишяпти. Биз шундай қила оламизми?

И.Усмонова.

– Бошқа ходимнинг шахсий шикоятига асосланиб ходимлардан бирини ишдан бўшатишга иш берувчи ҳақли эмас. Бироқ сизга меҳнат тартиби қоидаларида, масалан, уятли сўзлар билан ҳақоратлаш, ранжитадиган лақаблар ишлатиш ва ходимларнинг бир-бирларига бошқа камситадиган мурожаатлар қилишларини интизомий жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқладиган меъёрни белгилаш керак бўлади (МК 100-моддаси 4-бандининг иккинчи хатбошиси). **Календарь йил мобай-**

нида бундай ҳаракатлар учун интизомий жазо бериш тўғрисида расмийлаштирилган буйруқ ёки фармойишнинг мавжудлиги ҳуқуқбузарни иш берувчининг ташаббусига кўра ишдан бўшатиш учун асос бўлади.

Агар ҳақиқатан ҳам тўхмат ёки ҳақорат ишлатилган бўлса, жабрланувчилар айбдор шахсга нисбатан маъмурий ёки жиноий-ҳуқуқий чоралар кўрилиши учун прокуратурага мурожаат қилишга ҳақлилар (Маъ-

мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40, 41-моддалари; Жиноят кодексининг 139, 140-моддалари).

Мақбул муҳитни тиклаш учун сиз ушбу муаммога касаба уюшмаси, хотин-қизлар кенгаши ёки корхонада ташкилот этилган бошқа жамоат ташкилотларини жалб этишингиз ёки юзага келган ҳолатни жамоанинг умумий йиғилишида муҳокама қилишингиз керак бўлади. Эҳтимол, профессионал руҳшуноснинг иштироки керак бўлар, уни ташкилот ҳисобига тегишли тренингни ўтказиш учун таклиф қилишингиз мумкин. Ёки мансаб мажбуриятларини қайта кўриб чиқиш, иш вақтида шахсий суҳбатлар билан эмас, балки иш билан банд бўлишлари учун бутун бўлим ходимлари иш вақтининг хронометражини ўтказиш ҳам мумкин.



МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ЮРИТИНГ

Ташкилотимизга ишга жойлашмоқчи бўлган ўрта яшар аёлнинг айтишича, ҳеч қачон меҳнат дафтарчаси бўлмаган экан, бироқ унинг ишлаганлиги маълум. Ушбу асосга кўра уни ишга қабул қилишдан бош тортиш мумкинми?

С.Терехова.

– Сиз меҳнат дафтарчаси бўлмаган кишини ишга қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмассиз. Бундай ходим ишга қабул қилиш тўғрисида аризасида ташкилотимизга ишга жойлашишига меҳнат дафтарчасига эга бўлмаганлигини кўрсатиши шарт. Демак, ишга расмийлаштираётганда сиз меҳнат дафтарчаси очишга мажбурсиз (МК 81-моддасининг иккинчи қисми; АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома).

Умуман олганда ташкилот мазкур ҳолда қонунни бузмайди, чунки меҳнат дафтарчаси – аввало ходимнинг ўзига меҳнат стажини ва ихтисослик бўйича меҳнат кўникмаларини тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатдир.

Одатда ишга кирувчининг ўзи тўлдирishi керак бўлган резюме, таржимаи ҳол ва шахсий варақада ишга жойлашгунга қадар нима билан шуғулланганлигини кўрсатишини илтимос қилинг. Зарурат бўлганда сиз кўрсатилган маълумотларни ишга қабул қилгандан кейинги синов муддати даврида мустақил текширишга ҳақлисиз. Масалан, агар мазкур шахс суд-

ланганлиги тўғрисидаги маълумотларни яшираётган, у эгалламоқчи бўлган лавозимга доир малака талабларида бундай шахсларни ишга олиш тақиқланган бўлса (идорадан ташқари кўриқлаш, қимматли қоғозлар билан операциялар, нотариуслар ва адвокатлар ҳамда уларнинг ёрдамчилари, касирлар, моддий жавобгар шахслар, педагог ходимлар ва бошқалар), бундай ахборот аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, муайян лавозимларни маълумот олгандан кейин узоқ вақт танаффус бўлганлиги ва ихтисослик бўйича стаж йўқлиги ҳолатида фақат малака ошириш курсларида ўқигандан кейин эгаллаш мумкинлигини ҳисобга олиб (масалан, ўз касбида 3 йилдан кўп вақт ишлаган тиббий ходимлар («Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонун 41-моддасининг учинчи қисми), сиз талабгордан тегишли сертификат ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ёхуд малакасини оширганлиги тўғрисида гувоҳномани талаб қилишга ҳақлисиз. Бундай ҳужжатнинг йўқлиги ишга қабул қилишни рад этиш учун асос бўлиши мумкин (МК 80-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси).

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси қуйидаги хизматларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги хўжалик низолари, жиноят ишлари, дебиторлик қарзларини ундириш*. Тел.: (+99890) 989-19-07, (8371) 242-46-23.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, (+99893) 545-83-69.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, сошлаш. Тел. 963-89-58.

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, техник, тиббиётга оид матнларни таржима қилиш. Тасдиқлатиш. Легаллаштириш. Тел.: 252-38-71, 808-79-76.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.


ҚАРЗ ҲАМ ИНВЕСТИЦИЯ ҲИСОБЛАНАДИ

Хорижий инвестор (хорижий юридик шахс) ҳисобланган компаниямиз ЎЗРдаги компанияларнинг бирида улушга эга бўлди, шунингдек муассис сифатида Ўзбекистонда ўзининг шуъба корхонасини барпо этди.

Инвестиция мажбуриятларига кўра биз замонавий юксак ишлаб чиқариш технологиялари, ускуналар, интеллектуал мулк, биз улуш сотиб олган корхонанинг ҳосил бўлган кредиторлик қарзини сўндириш ва бошқа воситалар кўринишида инвестицияларни амалга оширишимиз керак эди.

Компания инвестиция мажбуриятларининг бутун суммасини бажарди, бироқ инвестицияларимизнинг бир қисми қарз суммаси кўринишида биз улушга эга бўлган (иштирокчи ҳисобланамиз) корхонага берилди. Хорижий компания томонидан резидентга берилган қарз маблағлари хорижий инвестициялар ҳисобланадими?

Компания директори.



– Аввало шуни қайд этиш керакки, инвестиция ресурсларини бирор-бир корхона (резидент)нинг устав капиталига йўналтириш хорижий инвестицияларни амалга ошириш шакллари фақат биттаси ҳисобланади. Қонунчиликда хорижий инвестициялар шакллари муайян рўйхати назарда тутилган¹. Унда инвестор томонидан қарз маблағларини бериш йўли билан инвестициялаш келтирилмаган. Бироқ «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун 5-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин. Яъни инвестициялар тилга олинган рўйхатда назарда тутилмаган шаклларда амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилади.

Қарз воситасида амалга ошириладиган инвестициялар ҳам инвестицияларнинг бошқа шакли сифатида чиқа олади деб ҳисоблаш мумкин кўринади. Биз инвестицияларнинг бундай шакли амалдаги қонун ҳужжатларига зидлигини кўрсатадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни топа олмаганлигимиз далили ҳам мазкур тасдиқнинг адолатли эканлигини кўрсатади.

Бунинг устига, шуни таъкидлаш лозимки, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун 3-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ **чет эллик инвесторлар** асосан даромад (фойда) олиш мақсадида **тадбиркорлик фаолияти** ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган **бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий** ва номоддий **бойликлар** ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, **шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **чет эл инвестициялари деб эътироф этилади**. Бинобарин, тадбиркорлик фаолияти объектларига, масалан, бирор-бир моддий неъматларни қўйиш инвестиция деб ҳисобланади.

Фуқаролик кодекси (ФК)даги моддаларнинг² маъносидан келиб чиқилса, **пулни** (пул маблағларини) ашёларга, яъни мол-мулкка киритиш ва, бинобарин, уларни **моддий неъматлар деб ҳисоблаш** мумкин бўлади.

Ўз навбатида, ФК 732-моддасининг таърифига кўра **қарз шартномаси бўйича** бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки ... бошқа ашёларни **мулк қилиб беради**, қарз олувчи эса ... ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашё-

ларнинг ... миқдорига баравар ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қўйилган савол инвестиция шакли сифатида қарзга тааллуқли бўлгани боис пул ҳам қарз предмети бўла олишини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, қарз, биринчидан, мулк қилиб бериш, яъни кейинчалик олиш мақсадида ҳам тасарруф этиш ҳуқуқини, иккинчидан, пул, яъни моддий неъматларни беришни тақозо этади. Шу тариқа, инвестор ўзи иштирокчи бўлган резидент-корхонага қарз бериб, аслини олганда тадбиркорлик фаолияти объектига моддий неъматлар қўяди. Бундан ташқари, айниқса инвестор корхонанинг муассиси ҳисобланиши ва унинг фаолиятидан яқунда даромад олиши (фойда тақсимоти) эътиборга олинса буни у фақат фойда олиш мақсадида қилади.

Инвестициялар деганда иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тушунилиши ҳолатини «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси ҳам кўрсатади.

Шу далил ҳам эътиборга лойиқки, ушбу Қонун 5-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ инвестиция ресурслари жумласига пул ва бошқа молиявий маблағлар, **шу жумладан кредитлар**, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳам киради. Бунда шуни таъкидлаш жоизки, кредит қарзининг бир тури⁴ бўлиб, фақат исталган жисмоний ёки юридик шахс пул маблағларини қарзга бера олиши, кредит эса фақат банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари томонидан берилиши билан фарқ қилади.

Юқорида келтирилган қонун ҳужжатлари асосида инвестиция лойиҳаларини ижро этишнинг гоёта хилма-хил шакллари назарда тутадиган, шу жумладан инвестицияларни қайтариш асосида қўйишни тақозо этадиган ҳуқуқнинг бир қатор қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва тасдиқланди. Мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ва ўзлаштириш тартиби тўғрисидаги низом⁵, унинг 3-банди мазмунидан келиб чиқиб шундай ҳулосага келиш мумкинки, инвестиция лойиҳалари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, хорижий қарз, кредит ва қайтариш асосида ҳуқуқат жалб этадиган ёки Ўзбекистон Республикаси кафолат берадиган бошқа воситалар, шунингдек Ўзбекистон

Республикасининг кафолатини бермасдан жалб этиладиган хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштирилиши мумкин;

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом⁶, унинг 1-бандига кўра инвестиция лойиҳалари марказлаштирилган манбалар ресурслари ҳисобига (Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, айрим тармоқлар ва корхоналарнинг ҳуқуқат қарорлари билан ташкил этилган махсус жамғармалари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ёки номидан жалб этиладиган **хорижий кредитлар**, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари) молиялаштирилиши мумкин;

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан инвесторларга бепул бериш тўғрисидаги низом⁷, унинг 3-бандига назарда тутилишича, инвестиция мажбуриятлари бўйича инвестициялар пул маблағлари қўйиш, шу жумладан корхонанинг кредиторлик қарзлари инвестор томонидан қопланиши шаклида амалга оширилиши мумкин. Қарз – пул маблағларини эгалликка бериш эканлигини ҳисобга олиб, бундай қарзни пул маблағларини қўйиш деб ҳисоблаш мумкин.

Бинобарин, Ўзбекистонда хорижий инвестициялар қайтаришлик принципларида амалга оширилиши мумкин – яъни қарз ажратишни пул маблағларини инвестицияланадиган корхона мулкига қўйиш шаклида инвестициялаш деб асосли ва тўғри тарзда эътироф этиш мумкин.

Шуни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ инвестиция мажбуриятларини сиз юқоридагиларидан ташқари, «бошқа воситалар» тарзида амалга оширишингиз керак эди. Бунда шуни қайд этиш лозимки, умуман олганда, инвестицияларни «бошқа воситалар» тарзида амалга ошириш билан боғлиқ йўналишлар бўйича инвестициялашнинг қатъий белгиланган шартлари ва миқдорлари назарда тутилмаган эди.

Баён этилганлар асосида қуйидаги ҳулоса чиқариш мумкин деб биламиз: **хорижий инвестор (муассис) томонидан резидентга (устав фондида инвесторнинг улуши бўлган корхонага) қарз маблағларини хорижий инвестициялар деб ҳисоблаш мумкин.**

Жавобни «FORTIS-AUDIT» МЧЖ мутахассислари тайёрладилар.

Мен Россияда ўқийман, таътилда курсдошларим билан бирга йўлланма бўйича Туркияга бормоқчиман, кейин Ўзбекистонга келаман. Чиқиш ҳужжатларини қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин? Туркияда дам олгач уйга қайтишда муаммолар юзага келмайдими? Бахтиёр. Москва шаҳри.

Қизим Ўзбекистондан ташқарида контракт бўйича ишлайди, у туристик йўлланма бўйича учинчи мамлакатга бормоқчи, бироқ унинг чиқиш визасининг муддати ўтиб кетган, бу ЎЗР божхона режимини бузиш деб ҳисобланадими? Л.Корабельникова. Тошкент шаҳри.

– Миллионлаб кишилар ҳар куни давлатларнинг чегараларини кесиб ўтиб, дам олиш, ўқиш, даволаниш, иш, янги яшаш жойига йўл оладилар. Ушбу миграция жараёнлари глобал тусга эга бўлиб, амалда дунёдаги ҳамма мамлакатларни қамрайди.

Ўқувчиларимизнинг саволлари мустақид Ўзбекистон фуқаролари инсоннинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини таъминлайдиган турли хил ҳуқуқий дастаклар амал қилади. Жаҳон миграция жараёнига фаол жалб этилганлигидан гувоҳлик беради. Бироқ ҳар бир давлат ўз ҳудудидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ хавфсизлиги ва фуқаролари манфаатларининг нисбати муаммоларини мустақил равишда ҳал қилади.

Фуқароларимизнинг хорижий мамлакат-

ХОРИЖГА

Вокал-хореографик гуруҳ аъзоси бўлган болалар халқаро танловда қатнашиш учун Болгарияга кетяптилар. Гуруҳ раҳбарига биометрик паспорт бор. 16 ёшга тўлмаган болаларга ҳам биометрик паспорт расмийлаштириш керакми? У қанча муддатга берилиб, қанчалик тез расмийлаштирилади?

Ленара.

– Паспорт тизими тўғрисида низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – Биометрик паспорт бериш тартиби тўғрисида низом) мувофиқ вояга етмаган болаларга (16 ёшга тўлмаган) хорижга чиқишларида **5 йилдан ошмайдиган муддатга** биометрик паспортлар расмийлаштирилади. Бунда паспортнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин улар биометрик паспортни ИИБнинг чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш паспорт бўлимига (бундан кейин – паспорт бўлими) топширишлари керак. Фавқулодда ҳолларда республикадан ташқарига чиқиш пайтида 15 ёшга тўлган болаларга 10 йилгача муддатга паспорт берилади.

Паспортни расмийлаштириш учун оналар ўзларининг доимий яшаш жойларидаги паспорт бўлимига мурожаат қилишлари ва хорижга чиқиш ҳолатини тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни

¹«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун (30.04.1998 йилдаги 609-1-сон) 5-моддасининг биринчи қисми.

²ФК 3-«Объектлар» кичик бўлимининг 6-«Умумий қоидалар» ва 7-«Моддий неъматлар» бўлиридаги 81, 86, 94, 95-моддалар.


³24.12.1998 йилдаги 719-1-сон Қонун.

⁴ФКнинг 732-«Қарз шартномаси» ва 744-«Кредит шартномаси» моддаларига кўра.

⁵Президентнинг 24.07.2008 йилдаги ПҚ-927-сон қарорига 1-илова.

⁶ВМнинг 7.06.2007 йилдаги 110-сон қарорига 1-илова.

⁷ВМнинг 26.08.2003 йилдаги 368-сон қарорига 1-илова.



давлат сирларини сақлаш мажбурияти) йўқлигидан; унга нисбатан жиноят иши кўзғатилмаганлиги ҳамда тергов ва суд органлари юритаётган фуқаролик даъвоси тақдим этилмаганлигидан; маъмурий назорат остида эмаслиги, хавfli рецидивист эмаслигидан; у ўзи ҳақида тўғри маълумотларни маълум қилганлиги ва органларда у хорижда бўлган вақтда борган мамлакатнинг қонун ҳужжатларини бузишлари тўғрисида ахборот, шунингдек хорижга чиқишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ахборот мавжуд эмаслигидан далолат беради, ушбу гувоҳлик ҳисобга қўйилган кундан бошлаб 2 йил ўтгунча амал қилади. Акс ҳолда рухсатнома беришдан бош тортилади.

Кўрсатилган тартиб кириш визаларини расмийлаштириш талаб қилинмайдиган **МДХ мамлакатларига чиқишга татбиқ этилмайди**, булар – Қирғизистон (60 кунгача), Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозғистон, Молдова, Россия ва Украина (http://mfa.uz/rus/konsulskie_voprosi/). Бироқ шуни ҳисобга олиш лозимки, айтиб ўтилган давлатлар ўз фуқаролари учун Ўзбекистон икки тарафлама битимларга эга бўлмаган бошқа давлатлар билан бундай битимлар тузиб, визасиз режим белгилашлари мумкин, Ўзбекистон фуқароларига нисбатан эса улар қўлланадими мумкин эмас.

Шу сабабли Россияда ўқиётган ва таътилни Туркияда ўтказишни мўлжаллаётган **ўзбекистонлик талаба албатта чиқиш визасини расмийлаштириши керак**. Визанинг йўқлиги чегарани ноқонуний тарзда бузиш сифатида қаралади ва қайтиб Ўзбекистон-

га кираётганда Жиноят кодекси 233-моддасининг биринчи қисми бўйича ЭКИХнинг 200 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима солиш ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўринишида жиноий жавобгарликка тортишга олиб келади. **Хорижда ишловчи ва Ўзбекистон виза режими ўрнатмаган учинчи мамлакатда таътилни ўтказмоқчи бўлган, виза муддати ўтиб кетган Ўзбекистон фуқароси ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин** (Олий Суд Пленумининг 25.11.2011 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 9-сон қарорига ҳам қаранг).

Визасиз режимдаги мамлакатга хорижда вақтинча яшаш учун чиқаётган (хизмат сафари, ўқиш, контракт бўйича иш ва ҳ.к.) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижга чиқиш учун стикерни расмийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларига белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат қилишлари керак.

Фуқароларнинг аризалари консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ички ишлар вазирлигига жўнатилади. Сўнгра расмийлаштирилган паспорт ёпиштирилган стикер билан бирга эгасига бериш учун ТИВ орқали тегишли консуллик муассасасига юборилади. Паспортни расмийлаштиришнинг тўлиқ даврий муддати 30 иш кунидан ошмаслиги керак (Тартиб II бўлимининг 5-банди).

Умуман олганда фуқароларимиз хорижий давлатда бўлиш тартиби билан боғлиқ турли хил масалалар бўйича маслаҳат олиш учун борган мамлакатларидаги Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, эътиборда тутиш лозимки, хорижга узоқ муддатли хизмат сафарига, шунингдек доимий яшаш жойига кетаётган ЎЗР фуқаролари 1 ой мобайнида ҳисобга қўйишлари учун паспорт билан Элчихонанинг консуллик бўлими ёки Ўзбекистоннинг Бош консуллигига мурожаат қилишлари лозим. Барча консуллик ҳаракатлари фақат хорижда турган фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилади.

Энг яхшиси, мамлакатдан узоқ вақтга чиқаётганда олдиндан ҳар томонлама тайёргарлик кўринг. Бошқа давлатда бўлиш қодалари, учинчи мамлакатга чиқиш имконияти билан танишинг, мазкур масалалар бўйича ахборот олиш унчалик мушкул эмас, бунинг учун Интернет кўл келади. Паспорт яна 1 йилдан кўпроқ муддат амал қилишини эътибордан қочирманг, акс ҳолда биометрик паспорт олиш зарурати юзага келади. Амал қилиш муддати йил мобайнида тугайдиган паспорт билан мамлакатдан узоқ муддатга чиқиш ҳужжатни алмаштириш учун асос сифатида қаралади (Президентнинг 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомнинг 17-банди, бундан кейин – Паспорт тизими тўғрисида низом). Паспортга ёпиштирилган стикер кўринишидаги чиқиш визасини олинг. Оқ йўл!

Римма СОЛОДОВНИКОВА,
эксперт-юристинимиз.

ларга чиқиши Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби (ВМнинг 6.01.1995 йилдаги 8-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – Тартиб) билан белгиланади. Чет элга вақтинча чиқаётганда фуқароларга чет элга бориш учун 2 йил мобайнида амал қиладиган рухсатнома ёзуви стикери (бундан кейин – стикер) расмийлаштирилади. Фуқаролар кўрсатилган муддат мобайнида бир неча марта чет элга чиқиши мумкин. Стикернинг амал қилиш муддати паспортнинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак. Доимий яшаш учун чет элга чиқишда фуқароларга амал қилиш муддатисиз стикер расмийлаштирилади.

Елимланган стикер нимадан гувоҳлик беради? Хорижга чиқувчида бажарилмаган ҳарбий мажбурият, шартномавий, контракт мажбуриятлари, шунингдек суд томонидан белгиланган, хорижга чиқишга тўсқинлик қиладиган мажбуриятлар (шу жумладан

МУАММОСИЗ ЧИҚИШ ВА КЕЛИШ

(масалан, хорижга юбораётган ташкилот хатини) тақдим этишлари лозим. Паспорт 10 иш куну мобайнида берилиши керак.

Агар Ўзбекистон фуқароси хорижда паспортини йўқотса ва унга Ўзбекистон Республикасига қайтишга гувоҳнома беришса, у паспортини йўқотганлиги учун қандай жарима тўлайди?

Азиз.



публикасида ташқарига чиқишингиз мумкин, бунда аэропортда ҳеч қандай муаммолар юз бермаслиги керак. Агар бирор сабабга кўра Канадага доимий яшаш учун кетишингиз ушланиб қолса, болаларингиз учун биометрик паспортлар олишингиз мақсадга мувофиқдир.

Менда фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси бор. Хорижга чиқаётганда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олдим, унинг амал қилиш муддати тугагач қайтиб келдим. Хорижга чиқиш учун фуқаролиги бўлмаган шахслар гувоҳномаси қонунга кўра қанча муддатда расмийлаштирилиши керак?

Наташа.

– Хорижда қандай мақсадда бўлишдан қатъи назар, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасига мувофиқ паспорт бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек паспортни бепарволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолиши энг кам иш ҳақининг **1 бараваридан 3 бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Болаларим билан доимий яшаш учун Канадага кетмоқчимиз. Болалар паспортларининг амал қилиш муддати 2012 йил ноябрида тугайди. Виза қўйилган паспортларимиз бор. Аэропортда муаммога тўқнаш келмаймизми?

Фуқаро Н.

– 16 ёшга тўлмаган болалар учун гувоҳномаларнинг амал қилиш муддати тугашига қадар сиз Ўзбекистон Рес-

– Хорижий шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги низомга (Президентнинг 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармонида 2-илова) мувофиқ барча материалларни кўриб чиқиш муддати **ҳар бир инстанцияда 1 ойдан ошмаслиги керак**.

Фуқаролиги бўлмаган шахсга гувоҳнома бериш масалаларини бир нечта инстанцияда кўриб чиқиш муддати **жамлиқда 3 ойгача** муддатни ташкил этиши мумкин.

Мен эски намунадаги паспортга эгаман. Хорижга чиқиш учун паспортни ўзгартиришим керакми?

Сабина.

– Президентнинг 5.01.2011 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-4262-сон Фармонида кўра 1994 йил намунасидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаро паспортини 2015 йил 31 декабр-гача алмаштириш мумкин. Бироқ сиз хорижга чиқиш учун яшаш жойингиздаги паспорт бўлимига мурожаат қилиб, рухсат бериш ёзуви қайд этилган стикер билан бирга биометрик паспорт олганингиз мақсадга мувофиқдир.

Хорижга, Германияга чиқиш учун боланинг паспортига рухсат берувчи ёзув қайд этилган стикер ёпиштириш керакми?

Сергей.

– Паспорт тизими тўғрисида ва Вояга етмаган болаларга биометрик паспорт бериш тартиби тўғрисида низомларга мувофиқ хорижга чиқиш учун ҳужжат сифатида 5 йилдан ошмайдиган муддатга, 15 ёшдан катта болаларга эса 10 йилгача бўлган муддатга (фавқулодда ҳолларда) биометрик паспорт берилади. Бунинг учун ота-оналар ўзлари доимий яшайдиган жойдаги паспорт бўлимига мурожаат қилишлари керак. Вояга етмаган болаларнинг хорижга чиқишлари учун рухсат бериш ёзуви қайд этиладиган стикерда бола билан хорижга кетаётган шахсга оид маълумотлар ёзилади.

Санжар ХҲЖААҲМЕДОВ,
экспертимиз.

БУ НЕГА КЕРАК БЎЛИБ ҚОЛДИ?

Очиқ-ошкоралик, рақобатбардошлик, адолат, самарадорлик ва асослилик харид масалаларида компанияларнинг асосий принциплари саналади. Бундай сиёсатни қўллаш компанияни сифатсиз товарлар ва хизматлардан, етказиб берилган товарга оширилган қиймат белгиланишидан ҳимоя этиш учун, бўлажак шерик хусусида холис баҳога эга бўлиш, қолаверса ташкилот талабларига унинг мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун зарурдир. Бу ҳужжат харидни энг самарали тарзда ташкил этиш тартибини ҳамда шу йўналишдаги ишлар мазмунини белгилаб беради.

ХОДИМЛАРНИ ЎЙЛАБ

Харид сиёсати компаниянинг харид ишларини амалга оширишда иштирок этаётган барча бўлинмалари ва ходимлари учун мажбуридир. Бу ҳужжат ходимларнинг юриштуриш ва хулқ-атвор қоидаларини, шунингдек уларнинг ташқи дунё билан ўзаро ҳамкорлик принципларини тартибга солади. Айтайлик, ходимлар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланмаслиги керак. Фирма вакилининг ўзига хос ахлоқ-одоб ва шон-шавкат кодекси шундай. Кўпгина фирмаларда ходимларга офисда ва ундан ташқарида ўзини қандай тутиши хусусида оғзаки йўл-йўриқ берадилар. Бу ерда эса ана шундай қоидалар ҳужжатлаштирилган ҳолда белгилаб қўйилган.

Мабодо ходим бу қоидаларни бузадиган бўлса, товарларни ва хизматларни мустақил тарзда харид этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Бундан ташқари, раҳбарият унга нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллайд.

ХАРИД РЕГЛАМЕНТИ

Кўриб чиқиётган сиёсат барча харидларни ҳажми, даврийлигига, компания жами харажатларидаги улушига, тезкор фаолият учун заруратига, маҳсулот етказиб берувчилар бозорининг ихтисослашуви ва рақобатлашувига, маҳсулот нимага мўлжалланганлигига қараб тоифаларга бўлади. Унда харид усуллари ҳам назарда тутилади.

Танлов асосидаги харидда маҳсулот етказиб берувчи факс, электрон почта орқали қабул қилиб олинган таклифларни кўриб чиқиш натижаларига мувофиқ аниқланади. Аммо таклифни телефон орқали қабул қилмаслик керак. Бундан ташқари, потенциал контрагентлар бирламчи баҳолашдан ўтказилади. Бу йўсиндаги харидларнинг тартиб-таомиллари турли маҳсулот етказиб берувчилардан камида иккита тижорат таклифи олинишини тақозо этади. Таклифларда талабнома, маҳсулот етказиб берувчининг бирламчи баҳоси, шартноманинг хомаки нусхаси, харид, унга ҳақ тўлаш ҳамда товар ёки хизматни олиш учун буюртма кўрсатилган бўлиши керак.

Тасдиқланган маҳсулот етказиб берувчилардан харид шундайки, у бўйича маҳсулот етказиб берувчи бирламчи баҳолашдан ўтказилгач, йилда бир марта яна баҳоловдан ўтказилади. Бундай усулнинг босқичлари танлов асосидаги усул билан деяр-



ХАРИД СИЁСАТИДАН ХАБАРНИНГИЗ БОРМИ?

БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

Ҳозирги вақтда кўпгина компаниялар фирром, ноинсоф маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга, шу сингари бошқа контрагентларга дуч келмоқдалар.

Бундай шериклар билан ҳамкорлик талаб даражасидаги сифатга эга бўлмаган хизматларга, бузилган товарлар етказиб берилишига дучор қилиши мумкин, бундан ташқари фойда ололмай қолиш таҳдиди ва шу сингари таваккалчиликларга рўбарў қилади. Бундай бўлмаслиги учун кўпгина ташкилотлар харид сиёсатини ишлаб чиқмоқдалар, у ўз ичига фирром, ноинсоф контрагентларни аниқлашга доир йўриқномани ҳам қамраб олган бўлади.

ли бир хил, фақат тузилиши бирмунча оддийроқ, холос.

Битта манбанинг ўзидан харид қилиш – табиий монополист билан боғлиқ. Бундай компаниялар электр энергияси, иссиқлик таъминоти етказиб берувчилар, ижарага берувчи ва шу сингари ташкилотлар бўлиб, уларга нисбатан баҳолаш тартиб-таомили қўлланилмайди. Бундай компания харид шартномасини имзолаш ёки буюртмани расмийлаштириш босқичида тасдиқланади.

Тўғридан-тўғри харид товар ёки хизмат шартнома тузмаган ҳолда, келишиб олинган буюртма асосида олинаётган ҳолларда назарда тутилади. Бундай харидлар одатда хариднинг жами қиймати компанияда белгилаб қўйилган нарх ва баҳо чегарасидан ошмайдиган бўлган тақдирдагина қўлланилади.

МЕЗОНЛАРГА АСОСЛАНИБ

Компаниянинг харид хизмати маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларни баҳолаш ишлари келгусида контрагент бўлиб қолиши

эҳтимоли бўлган шахслар хусусида бир қарорга келиш мақсадида ўтказилади. Баҳолаш ва танлаб олиш контрагент фаолиятининг ҳуқуқий асоси, унинг молиявий ҳолати, етказиб берилдиган ускуналарга оид зарур ҳужжатлар ва сифатни тасдиқловчи материаллар борлиги ҳамда тақдим этилганлиги; бозордаги обрў-этибори ва ишончилиги; маҳсулот етказиб берилишининг асосий шартлари, баҳоси ва ҳақ тўлаш шартлари, кафолат мажбуриятлари берилиши сингари мезонлар асосида амалга оширилади. Пудратчилар учун ҳам қарийб шу мезонлар қўлланилади, бундан маҳсулот етказиб берилиш шартлари мустасно, албатта. Унинг иш тажрибасига, жавобгарлиги суғурталанганлигига оид маълумотлар ҳам олиниши керак.

Компаниянинг контрагентларини балл тизимида баҳолаш, бунда ҳар бир баҳолаётган мезон бўйича ноль баллдан беш баллгача қўйиш тавсия этилади. Ноль балли баҳо контрагентни маҳсулот етказиб берувчи ёки пудратчиларнинг тавсия этилмайдиганлари рўйхатига ўтказиб юборади, бундай

компания билан шартномани раҳбариятнинг алоҳида рухсатномаси бўлган тақдирдагина тузиш мумкин. Ҳар бир мезон нисбий аҳамиятига яраша салмоққа эга бўлади. Бу услубият корхона сиёсатида тасдиқланган бўлиши лозим.

Баҳолашга оид бир неча мисол. Маҳсулот етказиб берилишининг асосий шартларини баҳолаш учун маҳсулот қай тартибда, хусусан, маҳсулот етказиб берувчининг транспорти, транспорт-экспедиторлик компаниясининг транспорти ёки ўз транспортида етказиб берилишини аниқлаш лозим. Маҳсулот етказиб бериш усулига қараб тегишли балл берилди.

Пудратчи ресурсларга қараб баҳо берилишининг бир мунча қизиқарли томони бор. Бу мезон шартнома ҳажмларини белгиланган муддатда ва талаб этилаётган сифатда бажариш учун керакли ишлаб чиқариш қувватлари, ускуна ва техника, моддий-техника базаси, малакали ходимлар борлигига қараб баҳоланади. Пудратчининг ўз ресурслари бор-йўқлигини, ўзида бўлмаган кучларни жалб этиш режаси ва бундай кучлардан фойдаланиш мақсадида уларнинг эгалари билан шартнома тузган-тузмаганлигини билиш зарур. Ресурслар тўғрисида пудратчи маълумот тақдим этмаслиги мумкин, бу эса унда ресурслар йўқлигининг далолати бўлиши ҳам мумкин. Ана шундай маълумотларда қалбақлаштириш аломатлари ёки бўлажак шерикнинг бошқа жиддий муаммолари мужассам топиши ҳам мумкин. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам ҳамкорлик қилиш тавсия этилмайди.

Зотан, бундай маълумотлар потенциал пудратчига берилдиган баҳо асосини ташкил этади. Шундай маълумотлар негизида баҳолаш баённомаси тўлдирилади ҳамда маҳсулот етказиб берувчининг тоифаси хусусида бир тўхтамага келинади.

ТОИФАЛАРГА ҚАРАБ

Контрагентни танлаб олиш, уни шартномани тузиш ёки шартнома муддатини узайтириш учун номзодлар реестрига киритиш-киритмаслик тўғрисидаги қарор кўрсаткичлар жамлама суммаси асосида қабул қилинади. Шерикка берилдиган тоифа айна ана ш кўрсаткичларга боғлиқдир.

Контрагентни танлаб олиш, уни тасдиқланган реестрга киритиш-киритмаслик тўғрисидаги қарор тўпланган маълумотлар таҳлил этилганидан кейингина қабул қилинади. Кўпроқ компания билан узоқ муддат амалий алоқалари бўлган, маҳсулот сифати ва маҳсулот етказиб бериш шартлари бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини барқарор бажариб келаётган контрагентларга афзаллик берилди.

Тасдиқланган ёки тавсия этилмаётган контрагентлар реестри мунтазам равишда янгиланиб бориши ва у барча манфаатдор шахслар истаган вақтида танишиб чиқа олиши учун умумфойдалана оладиган тарзда осиб қўйилиши керак.

Маҳсулот етказиб берувчи сифатида тавсия этилмаётганлар рўйхатига тушган ташкилотлар потенциал шерик сифатида кўриб чиқилиши имкониятидан ҳам, тегишинча, шартнома тузиш ҳуқуқидан ҳам мосуво бўладилар.

**«Расчёт» журналининг
2011 йилдаги 11-сонидан.**

Ихтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КҮРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1;
тел. 283-44-57

E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Norma maslahatchi» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмаҳонасида босилди. (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 422 Адади 2 780. Баҳоли келишилган нархда
Газета 2012 йил 17 августда соат 18.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223